ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА НОАНЪАНАВИЙ МЕТОДЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Саломат Камилжановна Джумабаева
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

География фанини ўқитиш методикасида ўқишдан мақсад яъний географияни нима учун ўқиш, мактаб ўқувчилари география фанида нималарни ўрганиши, ўқишнинг қандай турлари ва методларидан фойдаланиш зарулиги ҳамда география фанини қандай воситалар билан ўқитиш керак зарур деган муаммолар мавжуд. Шу нуқтаи назардан ушбу мавзу бугунги кунда долзарб масалалар ёритилган.

Калит сўзлар: таълим бериш маҳорати, тарбиялай олиш маҳорати, инновацион педагогик технологиялар, органайзер

METHODOLOGY OF TEACHING GEOGRAPHY THE ROLE AND IMPORTANCE OF NON-TRADITINAL METHODS IN TEACHING SCIENCE

Salomat Kamiljanovna Djumabaeva
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

There are problems with the purpose of teaching geography, ie why to study geography, what students should learn in geography, what types and methods of teaching should be used, and what tools should be used to teach geography. In this context, this topic covers current issues.

Keywords: teaching skills, parenting skills, innovative pedagogical technologies, organizer

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелда “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли Фармони тасдиқлаган, ушбу фармонда Халқ таълими тизимини 2030 йилгача

ривожлантириш концепциясида узлуксиз таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш белгиланган.

География фанини ўқитиш методикасида ўқишдан мақсад яъний географияни нима учун ўқиш, мактаб ўқувчилари география фанида нималарни ўрганиши, ўқишнинг қандай турлари ва методларидан фойдаланиш зарулиги ҳамда география фанини қандай воситалар билан ўқитиш керак зарур деган муаммолар мавжуд. Шу нуқтаи назардан ушбу мавзу бугунги кунда долзарб масалалардан ҳисобланади.

Умуман олганда география фанини ўқитиш методикаси ва педогогик технологиялар бўйича россиялик олимлар Ю.А.Иванов [16], И.П.Галай [17], Душина И.В., Понурова Г.А. [18] ва бошқалар илмий ишларида ўрганилган.

Россиялик олим Ю.А.Иванов ўз илмий тадқиқотларида умумий ва ўрта таълим муассасаларида географияни ўқитишнинг назарий ва амалий масалаларини ўрганган. Жумладан, замонавий дидактика ва психология нуқтаи назаридан географик таълимнинг мазмуни, ўқитиш усуллари, педагогик технологиялар, ўқув фаолиятини ташкил этиш шаклларини ўрганган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

И.П.Галай илмий асарларида умумтаълим мактабларида география фанини ўқитиш методикаси, ўқитиш ва таълим бериш методикаси, мактаб географиясини қисқача тарихи, ўқиш турлари ва ўқитишда фойдаланиладиган турли хил воситалари ёритиб берилган. Душина И.В. ва Г.А.Понуровалар томонидан “Методика преподавания географии” номли ўқув қўланмаси ҳам педагогига институтлари география йўналиши талабалари ва олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари учун мўлжалланган. Ушбу қўлланмада мактабларда геогарфия фанини ўқитиш методикасининг назарий ва амалий жиҳатлари ёритилган.Бугунги глобаллашув шароитида хорижий мамлакатларда таълим жараёнининг сифатини ошириш, самарадорлигини такомиллаштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда хорижий мамлакатларда ва мамлакатимизда ҳам бой тажриба мавжуд. Тадқиқотлар натижасида таълим жараёни самарадорлигини янада ошириш бўйича мавжуд тажрибалар орасида Силлабус, Кейс-стади модулли ўқитиш (модул таълими) алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Модулли ўқитиш (модул таълими) маълум модул (боб, бўлим)ни пухта ўзлаштиришдан сўнг навбатдаги модул (боб, бўлим)ни ўрганишга киришиш имкониятини яратиш имкониятига эга. Бу эса таълим олувчиларнинг билиш имкониятларини ошириш ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси тараққиётида халқнинг бой маънавий салоҳияти ва умуминсоний қадриятларга ҳамда ҳозирги замон маданияти, иқтисодиёти, илм-фани, техникаси ва технологиясининг сўнгги ютуқларига асосланган мукаммал таълим-тарбия тизимини, шунингдек, миллий педагогика ва замонавий педагогик технологияларнинг назарий ва методик асосларини яратиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш зарурияти миллий таълим тизимини ислоҳ қилиш, унинг салоҳиятини жаҳон миқёсига олиб чиқиш, таълим бозорини яратиш ва рақобатбардош мутахассисларни тайёр лаш вазифасидан келиб чиқади.

НАТИЖАЛАР

Бинобарин, инновацион педагогик технологиялар рақобатбардош кадрлар тайёрловчи олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда педагог-ўқитувчига қўйиладиган замон талаблари, педагог ўқитувчининг касбий маҳорати, ўқувчиларнинг онги, билими, дунёқарашини ўстириш, фаолликларини ошириш орқали таълим самарадорлигига эришиш билан боғлиқ масалалар мажмуини ифодалайди. Бир-бирига боғлиқ бўлган талабларнинг бу мажмуи ўқитувчининг умумлаштирилган модели ва унга асосан қуйидаги асосий талабларни ифодалайди [19]:

– таълим бериш маҳорати;

– тарбиялай олиш маҳорати;

– таълим олувчиларнинг билимларини холи сона баҳолай олиш ва назорат қила олиш маҳорати.

Демак, педагог ўз олдига қўйилган масъулиятли ва долзарб вазифаларни бажариш ҳамда таълим-тарбия жараёнига бўлган янги ча қарашларни шакллантириш учун қатор хислатларга эга бўлиши керак.

Ж.Йўлдошев., С.Ҳасановлар ўқитувчининг касбига шундай талабларни қўйиб шарҳлаб ўтади [20]:

- замонавий илмий, маданий ва технологик тараққиётнинг моҳиятини чуқур тушуна билиш;
- дунё ва инсон ҳақидаги билимлар тизимини чуқур ва кенг нуқтаи назардан англаш;

- компьютерли таълим ва ўқитишнинг бошқа техник воситаларини таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш;
- интернет тармоғи тўғрисида тушунчага эга бўлиш ва ундаги ахборот технологияси мазмунини теран таҳлил қила билиш;
- педагогик меҳнатнинг самарадорлигини таҳлил этиш усулларини билиш;
- умуминсоний ҳамда миллий маданият ва қадриятлар, миллий ғоя ва миллий мафкура ҳамда иқтисодий, маънавий-маърифий ислоҳотлар моҳиятини тўлиқ тушуниб етиш;
- педагогик технологиялар моҳияти ва тамойиллари ҳамда унинг анъанавий ўқитиш жараёнидаги афзалликларини билиш, шахс манфаати ва таълим устуворлигини таъминлаш учун педагогик инновацияларни қўллай олиш;
- ўқувчиларга ўз фани бўйича таълим беришда илғор педагогик технологияларни қўллай олиш, ўқув жараёнини фаоллаштириш ҳамда ўқув материалларини ўзлаштиришнинг юқори даражасига эришиш ва ўқувчиларни мустақил фикрлаш ва ўз фикрини эркин баён этишга ўргатиш;
- ўз фанининг моҳир устаси ва фидойиси бўлишига эришиш;
- ўқувчиларнинг баркамол инсон бўлиши учун уларга ўз изланишлари, ижодкорлиги ҳамда бетиним меҳнати орқали таълим-тарбия бериш ва ҳоказо.

Инновацион педагогик технологияларни амалга оширишда таълим мазмунидан келиб чиқиб ўзига хос усул ва воситалардан фойда ланилади. Замонавий педагогик технологиялар методларига қуйидагилар киради [21]:

- ўқитишнинг фаол методлари;
- педагогик техника;
- таълим жараёнини индивидуаллаштириш;
- илғор педагогик тизимларни лойиҳалаш;
- таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш;
- модулли таълим технологиялари;
- педагогикада инновацион жараёнлар;
- педагогик меҳнатни ташкил этишнинг илмий асослари;
- педагогик тест ва стандартлар;
- ишбилармонлик ўйинлари;
- ўйинли ўқитиш маданияти;
- ўйинли ўқитиш техникаси.

Инновацион педагогик технологияларни фаолиятли ташкил этиш таълимнинг замонавий воситалари, ўқитиш воситалари, таълим турларининг таълим воситаларига мувофиқлигини таъминлашга боғлиқ.

Бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатларда таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи инновацион педагогик технологияларни қўллаш борасида катта тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юритилмоқда.[22]

Ўқитишнинг интерактив усулларини танлашда таълим мақсади, таълим олувчиларнинг сони ва имкониятлари, ўқув муассасасининг ўқув-моддий шароити, таълимнинг давомийлиги, ўқитувчининг педагогик маҳорати ва бошқалар эътиборга олинади.

Дарсларда фойдаланадиган хар қандай интерфаол методлар таълим характерига эга бўлиб, ўқувчилар билимининг мустахкамланишига, аниқлаштиришга ва кенгайишига, уларни умумлаштиришга ва тизимга солишга ёрдам беради, жамият ва табиат ходисаларига қизиқишни оширади, ўқув мазмуни манбаларни янада мустахкам тушиниб, ўқувчилар ўзаро мухакома асосида мустақил фикрлаш имкониятлари ривожланади. Ўқитувчи интерфаол усулларни ҳамда дидактик ўйнларни ўқувчиларнинг ёшини ва машғулотларнинг мақсадини ҳисобга олган ҳолда танлайди.

Умумлаштириш, таққослаш муҳимини номуҳимдан ажратиш, боғланиш ва муносабатлар ўрнатиш, кучи етганича хулосалар чиқариш талаб этилган ўйинлар энг самарали ҳисобланади. География дарсларида ўқувчиларга ижодий топшириқлар бериш орқалигина табиат ва жамият ҳақидаги билим ва тасаввурлари ортади, ўқувчиларнинг дунёқараши кенгаяди, уларда машғулотларга қизиқиш, ақлий қобиляти ривожланди.

МУҲОКАМА

География фанини ўқитишда қуйидаги ноанъанавий методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

1.«Венн диаграммаси» график органайзери (ГО) [23].Таълим олувчиларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга

йўналтирилади. У кичик гуруҳларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.«Венн диаграммаси” (ГО) қуйидаги схема (график тасвир)га эга. График органайзер таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга

ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

2.«Кластер» ГО. [24] «Кластер» (ғунча, тўплам, боғлам) график органайзери пухта ўйланган стратегия бўлиб, уни таълим олувчилар билан якка тартибда, гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотларда қўллаш мумкин. Кластерлар илгари сурилган ғояларни умумлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

Технология таълим олувчиларга улар томонидан мавзу бўйича ўзлаштирилган билимларни эркин баён қилиш, мазмунини ўз фикри, ҳаётий мисоллар ёрдамида ёритилишини таъминлашга хизмат қилади.

Ўқув жараёнида технологиядан фойдаланиш ўрганилаётган муаммо бўйича муайян масалаларни ҳал этиш, маълум жараён (воқелик, ҳодиса)нинг келиб чиқиш сабаблари, уларни бартараф этиш йўлларини топиш асосида таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ижодий изланиш, фикрини исботлаш ва турли вазиятлардан чиқа олиш кўникма, малакаларини ҳосил қилади.

Технология тарбиявий характерга эга бўлиб, таълим олувчиларга ўзларида ижобий фазилатларни кўпроқ шакллантириш, салбий хислатлардан эса воз кечишларида ёрдам беради (1-жадвал).

1-жадвал

Муносабат методи

Муаммо	Юзага келиш сабаби	Салбий оқибатлар	Ҳал этиш йўллари	Шахсан мен нима қилишим мумкин?

1-жадвал. «Муносабат» методи.

Муаммо	Юзага келиш сабаби	Салбий оқибатлар	Ҳал этиш йўллари	Шахсан мен нима қилишим мумкин?
Сувсизлик	Тоза ичимлмк сувидан тартибсиз фойдаланиш, корхоналарнинг кўпайши ва бошқалар.	Сувсизлик муаммоси касалликларнинг ортиши ва бошқалар	Тежамкор-лик билан фойдала-ниш сувга нисбатан бефарқ бўлмаслик ва бошқалар	Сув жумракла-рини хар доим ёпаман, бекорга ифлослантирмайман ва бошқалар

4. «ФСМУ» (Фикр, Сабаб, Мисол, Умумлаштир) стратегияси1 График органайзер таълим олувчиларда ўрганилаётган мавзу юзасидан фикрларни мустақил баён этиш, шахсий мулоҳазаларни далиллаш (мисоллар билан асослаш), баҳслашиш қобилиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Таълим олувчиларга қуйидаги схема билан ишлаш тавсия этилади (2-жадвал):

2-жадвал. «ФСМУ» (Фикр, Сабаб, Мисол, Умумлаштир) стратегияси.

№	Тушунчалар	(Ф)	(С)	(М)	(У)
	Орол денгизи фожиаси	Танг экологик вазият	.....	.....	.....
	Сувсизлик	Дарёларнинг қуриши	.....	.....	....
	Цунами	Иқлим ўзгариши	.....	.....	....

ХУЛОСА

“Ўзбекистон табиий географияси” фанидан яратилган электрон укув методик таъминот талабанинг аклий фаолияти, кузатувчанлик, фазовий тасаввур каби хислатларини ривожлантиради, эркин, мустакил, мантикий хамда танкидий фикрла-шига имкон яратади.

REFERENCES

1. Tojieva Zulxumor Nazarovna, Dusmanov Farhod Azamqulovich, Muhamedova Nazokat Jurayevna, & Haydarova Surayyo Abdusalomovna (2016). Mustaqillikdan keyingi yillarda O'zbekiston Respublikasi aholisining o'limi va umr ko'rish davomiyligi. Evropa ilmiy sharhi, (3-4), 24-27.
2. Shernayev Akbar (2020/1/30) Abstracts of V International Scientific and Practical Conference Osaka, Japan 29-31 January 2020,189-193.
3. Иброимов, Ш. И. Ў., & Болтаев, М. Ж. (2020). Ўзбекистон тоғ-водийларининг экотуристик имкониятлари ва улардан фойдаланиш. Academic Research in Educational Sciences, (1).
4. Rajabov Furkat Turakulovich, Sattarov Abdisamat Umirkulovich (2020) FARMS OF UZBEKISTAN: DEVELOPMENT, SPECIALIZATION, GEOGRAPHY. Journal of Critical Reviews, 7 (6), 1189-1196.
5. Oybek Uralovich Abdimurotov (2020). TABIIY GEOGRAFIYA DARSLARINI MUSTAQIL O‘RGANISHDA INTERFAOL METODLARDAN FOYDALANISHNING IMKONIYATLARI. Academic research in educational sciences, (3), 1306-1312.
6. Ibroimov, S., & Madaminova, M. (2020). Maktablarda geografiya fanini o ‘qitish samaradorligini oshirishda innovatsion texnologiyalarni qo ‘llash. Academic research in educational sciences, (1).
7. Radjabov, F. (2020). Describe the Individual Food Industry Contents and their Role in the Delivery of Agricultural Products. International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 19(1), 292-294.
8. Komilova, N. K., Haydarova, Ş. A., Xalmirzaev, A. A., Kurbanov, S. B., & Rajabov, F. T. (2019). Territorial Structure of Agriculture Development in Uzbekistan in Terms of Economical Geography. Journal of Advanced Research in Law and Economics, 10(8 (46)), 2364-2372.

9. Шерзод Иброим Ўғли Иброимов, Мансур Фармонович Бўрибеков, & Мақсуда Анвар Қизи Сатторова (2020). ЁШ АВЛОДГА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИНИ ЕТКАЗИШ. Academic research in educational sciences, (3), 275-279.
10. Turakulovich RF (2020). Dynamics and Regional Features of Agricultural Production. In the Republic of Uzbekistan. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24 (2), 1264-1269.
11. Фуркат Ражабов, Лобар Джўраева, & Асрор Махмадалиев (2020). ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ: РИВОЖЛАНИШИ, ИХТИСОСЛАШУВИ, ГЕОГРАФИЯСИ. Academic research in educational sciences, (3), 674-686.
12. Шерзод Иброимов, Маҳмуд Болтаев, & Мақсуда Сатторова (2020). МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ОНГИДА РЕКРЕАЦИЯ ТУШУНЧАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. Academic research in educational sciences, (3), 146-151.
13. Фуркат Туракулович Ражабов, & Азиза Абдуллаевана Олимова (2020). ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ ЕЧИМИДА ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРНИНГ АҲАМИЯТИ (ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИ МИСОЛИДА). Academic research in educational sciences, (3), 697-702.
14. Sharipov Shavkat Mukhamajanovich, Shomurodova Shahnoza Gayratovna, Gudalov Mirkomil Ravshanovich (2020) THE USE OF THE MOUNTAIN KARS IN THE TOURISM SPHERE IN CORT AND RECREATION ZONE OF CHIMGAN-CHARVAK. Journal of Critical Reviews, 7 (3), 475-481.
15. Шомуродова Шахноза Гайратовна Природные озера Тянь-Шаня в зоне отдыха Чимган-Чарвак // Европейское научное обозрение. 2018. №9-10-1. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/the-natural-lakes-at-the-tianshan-mountains-covered-in-chimgan-charvak-recreation-zone (дата обращения: 15.12.2020).
16. Учебно-методическое пособие для студентов географического факультета педагогических специальностей. — Брест: БрГУ, 2012. — 420 с.
17. Учебное пособие для студентов педагогических специальностей и учителей географии. — Мн.: Аверсэв, 2006. — 157 с.
18. Пособие для начинающих учителей и студентов педагогических институтов и университетов по географическим специальностям. — М. , 1996. — 192 с. — ISBN 5-7611-0045-2.
19. Низомова Ш. И. География фанини ўқитишда ноанъанавий дарс усулларидан фойдаланиш имкониятлари // Современное образование (Узбекистан). 2018. №3. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/geografiya-fanini-itishda-noananaviy-dars-usullaridan-foydalanish-imkoniyatlari (дата обращения: 20.05.2020).

20. Yo‘ldoshev J., Hasanov S. Pedagogik texnologiyalar. O‘quv qo‘llanma. - T.: «Iqtisod-moliya», 2009. -25-b.
21. Yo‘ldoshev J., Hasanov S. Pedagogik texnologiyalar. O‘quv qo‘llanma. - T.: «Iqtisod-moliya», 2009. -25-b.
22. Толипов Ў.Қ. Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. –Т.: «Фан», 2006, -150-б.
23. Муслимов Н., Усмонбоева М., Мирсолиева М. «Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик» ўқув услубий мажмуа. - ТДПУ хузуридаги ПККТ ва МО маркази, 2016 йил 6 апрель. 14-28 бетлар.
24. Толипов Ў.Қ. Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. – Т.: «Фан», 2006